

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАРНИНГ АСОСИЙ ТОИФАЛАРИ ВА ТАСНИФЛАРИ

*Қашқадарё вилояти Шахрисабз
шаҳри ипак йўли кўчаси 140 уй.*

*Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги ҳузуридаги "Муҳофаза этиладиган
табиий ҳудудлар департаменти" "Ҳисор"
давлат қўриқхонаси илмий бўлим ходимлари*

*Бехруз Бегалиев, Валижон Бадиров,
ва "Оқтоғ'-Томди" давлат қўриқхонаси
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
Нодир Умиров, катта илмий ходими
Ғулом Жобборовлар тайёрлади*

Аннотация: Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти" бош мақсадидир.

Калит сўзлари: Республика, IUCN, МЭТХ, БМТ

Ҳозирги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (МЭТХ)лар тизими орқали табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш ғояси миллий анъаналар ва халқаро тажрибасини ўзлаштириш ҳисобига аста-секин такомиллашиб бормоқда. IUCN томонидан берилган маълумотларга кўра дунё миқёсида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг тоифаси ва турлари жуда хилма-хил бўлиб, ҳаттоки бир тоифадаги ва бир хил номланишдаги МЭТХларнинг ҳуқуқий мақоми ҳам айрим ҳолларда бир биридан кескин фарқ қилишини кузатилади.

МЭТХларнинг халқаро миқёсдаги тушунчаси ва категориялари Халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмаси (IUCN) томонидан амалга оширилган бўлиб, қуйидагича таъриф берилган: муҳофаза этиладиган ҳудуд – бу биологик хилмахилликни қўллаб-қувватлаш ҳамда табиий ресурслар ва улар билан боғлиқ маданият элементларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган, бундай мақсадга хос бўлган қонуний ва маъмурий бошқарув тартибига бўйсунган қуруқлик ёки денгиз қисмидир.

20-асрнинг 90-йилларида БМТнинг “Миллий боғлар ва улар мақомидаги қўриқхоналар рўйхати”га 2618 алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар (ер майдони 4 млн. км²дан ортиқ ва Ер юзидаги қуруқликнинг 3% ини ташкил қилади)

киритилган ҳудуди ва унинг атрофидаги белгиланган чегарадаги муҳофаза қилинадиган зоналарда қўриқхона табиий мажмуасига зарар етказадиган ёки табиий объектларга хавф туғдирадиган ҳар қандай фаолият (ов қилиш, балиқ тутиш, дарахт кесиш, фойдали қазилмаларни кавлаш, ўт ўриш, мол боқиш ва бошқалар), шунингдек, Қўриқхона фаолияти билан боғлиқ бўлган саноат ва қўшма корхоналар объектлари қурилиши ҳам таъқиқланади.

Ҳар бир давлатнинг Муҳофаза этиладиган ҳудудлари дунё бўйича МЭТХлар тизимининг бир қисми ҳисобланади. Мазкур ҳудудларнинг ташкил этилиши дунё миқёсида табиий, экологик ва маданий аҳамиятга эга бўлган ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган ҳудуд ва объектларни сақлаб қолишга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.12.2004 йилдаги 710-II-сон "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Мамлакатимизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони мамлакат умумий майдонининг **14,1** фоизига етказилди.

Шу жумладан Ўзбекистон республикасида табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади, режимига қараб тоифаларга бўлинади ва улар Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти тасарруфида фаолият юритади.

Ноёб флора ва фаунасини асраш, келажак авлодга етказиш учун, Республикаимизда ҳозирги кунда юридик мақомга эга бўлганлари жами **26** та шундан, **13** та миллий табиат боғи, **7** та давлат қўриқхонаси, **2** та буюртма қўриқхонаси, **1** та мажмуа буюртма қўриқхона ва **2** та биосфера резервати ва **1** та та питомник мавжуд.

Ҳозирги кунга келиб республикаимиз биохилмахиллиги **27000** турдан иборат:

Шу жумладан;

- **15 000** дан ортиқ тури умуртқасиз ҳайвонлар,
- **706** тури умуртқали ҳайвонлар,шундан:
- **107** тур сутэмизувчилар,
- **460** тур қушлар,
- **64** тур судралиб юрувчилар,

- 3 тур курукликда ва сувда яшовчилар,
- 76 тур балиқлардир.
- 11000 тур ўсимлик, замбуруғ ва сувўтларидир, шундан:
- 4500 тур юксак ўсимликлар: уларнинг 8%-эндемик турлардир.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га **206 ҳайвон** турлари ва **314 ўсимлик** турлари киритилган.

Хулоса МЭТХлар турли вазифаларни (муҳит яратувчи, ресурс сақловчи, объектни ҳимоя қилувчи, туристик, рекреация, ахборот ва бошқ.) бажариш хусусиятига эга. Бу хусусиятлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун, МЭТХлар тизимида уларнинг тоифалари ёки турлари қанчалик тўлиқ иштирок этса, минтақада шаклланган мақсадли экологик мувозанатни узоқ йиллар давомида сақлаб туриш ҳамда улардан фойдаланиш учун қулай имконият яратилади. МЭТХларни ландшафтларни оптималлаштириш ёки улардан фойдаланиш мақсадида баҳолашда бу вазифалар ичидан энг муҳимини танлаб олиш катта аҳамиятга эгадир. Демак, МЭТХларга экотизим, агротизим ва урботизимлар билан биргаликда ягона тизимда регулятор, яъни тартибга келтирувчи сифатида қараш муҳимдир. Турли вазифаларни бажарувчи МЭТХларни ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан баҳолаш анча мураккаб ишдир.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партияларга экологик тарғибот ишларини ўтказиб келмоқдалар.

Хусусан, республикамызда экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокининг фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти" бош мақсадидир.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаменти" тасарруфидаги давлат кўрикхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўрикхоналари, табиат ёдгорликлари, буюртма кўрикхоналари, табиат боғлари, миллий боғ, биосфера резерватлари, ихтисослаштирилган питомниклар фаолият кўрсатиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шеримбетов Халилулла Сатимович, **БИОХИЛМАХИЛЛИК ВА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР**

2. Ahmadaliyev, Y. I., & Mamadalievich, X. A. (2021). Geoecological and Farm Stress Level (on the Example of Khojaabad District). *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 169-174.
3. Ahmadaliyev, Y. I., & Mamadalievich, X. A. (2021). Changes in the Natural Composition of the Land Fund and Its Protection (on the Example of Khojaabad District). *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 165-168.